

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
17 декабрь
шанба
№ 152 (4748)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси эътиборига!

Шерзодхон Қудратхўжа:

«БОЛАЛАРИМИЗГА, АВВАЛО, ОНА ТИЛИМИЗНИ ЎРГАТАЙЛИК!»

Яқинда Мактабгача таълим вазирлигида 2017-2022 йиллар давомида амалга оширилган ишлар юзасидан вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва ОАВ учун очиқ мулоқот ташкил этилди.

Тадбирда вазир Агриппина Шин, ўринбосарлари ва бошқарма бошлиқлари, Жамоатчилик кенгаши раиси, кенгаш аъзолари, журналист ҳамда блогерлар қатнашди.

Мулоқот аввалида ўтган беш йил давомидаги муҳим ўзгаришлар, хусусан, тизимда қамров масаласида муайян натижаларга эришилгани, яъни, 2017 йилдаги 27,7 фоиздан 2022 йилга келиб, 69,5 фоизга ўсиш кузатилгани ҳақида сўз юритилди. Беш йил олдин 708 минг нафар бола боғчаларга қатнаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 2.820.161 нафарга етгани эътироф этилди. Юртимизда 28 842 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг 6 530 таси давлат, 22 312 таси эса нодавлат мақомига эга. Тадбирда тизимдаги кўпдан-кўп масалалар таҳлил қилинди, бахсли мунозаралар қизигандан қизиди. Жумладан, вазирликнинг Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзодхон Қудратхўжа ўз сўзида ёшларнинг кичкинтойларга ажнабий тилларни ўргатиш масаласида қуюниб гапирди.

– Уйимнинг олдида учта хусусий боғча бор, – деди нотик. Улар ўзларининг фаолияти ҳақидаги реклама баннерига «Инглиз, рус, корейс, хитой тилларини ўргатами!» деб ёзиб қўйишади. Майли,



фарзандларимиз хориж тилларини билсин. Бунга сира қаршилигимиз йўқ. Лекин биз, аввало, кичик ёшдаги болаларимизга ўз она тилимизни ўргатишимиз зарур. Ўзингиз ўйланг, 3-4 ёшли, ҳали она тилида тузук гапиришни ўрганмаган болага хорижий тилларни ўргатамиз деб, уларни илк қадамлариданоқ аросат кўчаларида қолдирмаямизми? Эртага бундай болалардан саводхонликни, она тилимизда тўғри гапиришни қутушимиз қанчалик ўринли бўлади?

Буни қарангки, ўзбек тилимизга эътиборсиз бўлаётган бундай нодавлат боғчаларнинг номили ҳам ажнабий тилда. Уларга лицензия бериш масаласини Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси жиддий ўйлаб кўриши керак, менимча. Аввало, она тилимизни ўргатиб қўйايлик, болаларимизга!

Шерзодхон Қудратхўжанинг мулоҳазаларини кўпчилик маъқуллади. Зеро, ўринли гаплар. Аммо келгусида таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан бу таклиф инобатга олинармикан? Таклифга инспекциядан жавоб кутамиз...

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Кун нафаси




14 декабрь куни БМТ Бош ассамблеяси «Барқарор ривожланиш мақсадларига (БҲМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Ушбу резолюцияни қабул қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилда БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган эди.

Алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ томонидан қабул қилинган бу резолюция олтинчиси.



«Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.



Ҳукуматнинг тегишли қарори билан Азимжон Сапарбаевич Қурбанбаев Қорақалпоғистон Республикаси қурилуш вазири лавозимига тайинланди.



Республика Маънавият ва маърифат марказида «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда маънавият ва маърифат соҳасида фаолият олиб бораётган олимлар, зиёлилар, санъат ва маданият вакиллари, соҳа вакиллари қатнашдилар.

16-20 декабрь кунлари пойтахтимизда қаратэ WKF бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ташкил этилди. Чемпионатда 28 та давлатнинг 700 га яқин спортчилари қатнашди.

БААнинг Масдар компанияси Бухоро вилоятида 250 МВт, Хитойнинг GD Power-Powerchina консорциуми Наманган вилоятида 150 МВт ва Франциянинг Voltalia SA компаниясининг Хоразм вилоятида 100 МВт қувватга эга фотоэлектр станциялари қуриш лойиҳалари бўйича ғолиб деб топилди. Ушбу ФЭСлар 2024 йил охиригача қуриб, фойдаланишга топширилади.

My.gov.uzда Ўзбекистонда доимий ёки вақтинча яшаётган чет элликлар фарзандларини мактабга жойлаштириш учун масофадан ариза бериши учун имконият яратилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

Уйлар исимади...

Бундай ҳолатда тўлов қандай ҳисобланади?

«Ishonch – Доверие» газетасининг шу йил 28 октябрдаги сонида «Нега совуқ батареялар учун ҳақ тўлаш керак?» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унинг муаллифи Иван Носовнинг «Аҳолига сифатсиз ва кечиктириб берилган иссиқлик энергияси учун тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинадими?» деган саволига «Veola Energy Tashkent» МЧЖ бош директори в.б. Алишер Хайитметов қуйидаги мазмунда жавоб берди:

берилган ҳолатларда қайта ҳисоб-китоблар мазкур қоидаларнинг 131-, 132-бандлари асосида бажарилади. Иссиқлик энергияси етказиб берилмагани ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилгани тўғрисидаги далолатномада сифат параметрлари бузилиши, иссиқлик энергиясини етказиб бериш тўхтатилиши бошланишининг ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганининг вақти ва санаси ҳусусидаги хабар истеъмолчи томонидан ёзма шаклда ёки оғзаки (шу жумладан, телефон орқали) берилиши мумкин ва етказиб берувчи (ижро этувчи) томонидан албатта рўйхатдан ўтказилиши керак. Иссиқлик энергияси етказиб берилмагани ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилгани тўғрисидаги далолатнома иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тўлов миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлади.

Иссиқлик энергияси етказиб берилмагани ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилгани тўғрисидаги хабар истеъмолчи томонидан ёзма шаклда ёки оғзаки (шу жумладан, телефон орқали) берилиши мумкин ва етказиб берувчи (ижро этувчи) томонидан албатта рўйхатдан ўтказилиши керак. Иссиқлик энергияси етказиб берилмагани ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилгани тўғрисидаги далолатнома иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тўлов миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлади.



ТАҲРИРИЯТДАН. Мутахассис шарҳи иссиқлик таъминоти хизматларини лозим даражада кўрсатмаслик ва бу муаммони бартараф этиш билан боғлиқ вазиятга оидлик киритади, холос. Аммо хондонлардаги иситиш билан боғлиқ ҳозирги вазият шунини кўрсатдики, ҳатто унча қаттиқ бўлмаган совуқ ҳам бу тизимни издан чиқариши мумкин экан.

Хуллас, ҳар доимидек баҳоналар кўп – қиш кутилганидан эртароқ келди. Газ босими тушиб кетди. Энергия тизими юкларга дош бера олмади... Ҳар доимидек, истеъмолчи айбдор – у жуда кўп нарсани хоҳлайди.

Аммо давлат даражасида муҳокама қилинган иссиқлик таъминоти тизимида уланган кўп қаватли уйларда иссиқликни ўлчовчи электрон ҳисоблагичлар, шунингдек, уй ичида иссиқ сувни ўлчайдиган электрон ҳисоблагичлар борасида лом-мим дейилмаган. Президентнинг тегишли қарорига мувофиқ, замонавий қозонхоналар қачон қурилади? Муштарийлар айнан мана шу саволларга жавоб кутмоқда.

Бунёдкорлик

Яратилган битта янги иш ўрни тўғрисида бир рўзгорнинг қозони қайнайди, моддий таъминоти яхшиланади. Бу кўрсаткич қанча кўп бўлса, шунча оилага даромад келтиради, талай хонадонлар дастурхонига қўт-барока киритади.

«GREEN COTTON»НИНГ ЯНГИ КОРХОНАСИ

Яқинда Хоразм вилоятининг Богот туманида «Green cotton» номли кластернинг янги корхонаси иш бошлади. У фермерлардан қабул қилинган пахтадан қайта ишлаб, тола олади ва қалавага айлантиради. Чунончи, бу йил 53 та фермер ҳужалигидан ҳарид қилинган 10 минг тонна пахтадан олинган хомашё ип-йигирув корхонасига юборилди.

Корхона фаолият юрита бошлаши шарофати ўлароқ, 130 та муқим иш ўрни яратилди. Барчасига меҳнат дафтари асасида очилган ходимлар смена бўйича ишлашади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам яхши йўлга қўйилган, ишлашлари ва дам олишлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган, икки маҳал овқатланишлари таъминланган.

– Ҳозир бизда энг кам ойлик маош 3 миллион сўмини ташкил этади, – дейди корхона раҳбари Фурқат Сатторов. – Иш бошлаганимизга эндигина икки ой бўлаётган эса-да, ходимлар меҳнати самарадорлигини ошириш ва даромадларини янада кўпайтириш чораларини кўраямиз.

Хуллас, «Green cotton» текстиль корхонасида пахтадан ип толаси ишлаб чиқилиб, хорижга экспорт қилинмоқда. Бу бир томондан мамлакатга валюта киришига имкон беради, иккинчи томондан кластер даромадлари қўлайишига ва келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



КўНГИЛ РАВШАНЛИГИ БЕБАҲО НЕЪМАТДИР

Юртимизда инсонпарварлик ва меҳр-мурувват тадбирлари ўтказиш хайрли анъанага айланган. Шунга кўра, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рус-тамбек Турсунмуродов ҳудуддаги «Гулбулоқ», «Иттифоқ», «Пахтақон», «Нуробод» сингари ўнга яқин қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалаларда бўлиб, ногирон ва имконияти чекланган болалар ҳол-аҳволдан хабар олди. Уларнинг муаммолари, яшаш шароитлари билан таъминлаш, ота-оналар билан

сухбатлашди. Шунингдек, кичкинтойларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўйинчоқлар тарқатди.

Соғлиқ инсонга ато этилган туман бойлик бўлса, кўн-гил равшанлиги бебаҳо неъматдир. Шунинг учун ҳам инсон маънан бақувват бўлишига жиддий эътибор берилади. Рухияти мустақкам кишилар ҳаётни севишга давом этади. Ёрдамга ва меҳр-оқилларда бўлиб, ногирон ва имконияти чекланган болалар ҳол-аҳволдан хабар олди. Уларнинг муаммолари, яшаш шароитлари билан таъминлаш, ота-оналар билан

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

МАФКУРА ВА ҲОЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Улар жамиятдаги муаммоларга ечим топийда қўл келадими?



Наманган вилояти

Касаба уюшмалари аралашгач...

Буйруқ қонуний эдимми?

Поп тумани Тиббиёт бирлашмаси шифокорлари М.Қурбонова ҳамда Г.Иброҳимова меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги важи билан Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича Меҳнат инспекциясига мурожаат қилишди.

Ўрганишлар асноси маълум бўлдики, иш берувчи томонидан ушбу ходимларга ноқонуний равишда ўртача ойлик маошининг ўттиз фоизи миқдорда интизомий жазо тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарилган.

Поп тумани адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан буйруқ қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида ҳуқуқий хулоса ҳам берилган.

Маълумки, ишга олинган ҳар бир



ходим, энг аввало, ички меҳнат тартиб-қоидалари билан таништирилиши керак. Меҳнат интизоми тартибларидан беҳабар ходимларга мазкур қоидаларнинг бузилиши баҳонаси билан жазо чоралари қўлланилиши эса ўзибўларчиликдан бошқа нарса эмас.

Иш берувчининг яна бир хатоси шуки, ўша юридик хизмат кўрсатиш маркази тасдиқланган буйруқда амалдаги меҳнат қонунчилигида мавжуд ҳеч қандай модда ва бандлар асос қилиб келтирилмаган.

Меҳнат инспекцияси аралашуви билан иш берувчининг юқоридаги буйруғи ноқонуний эканлиги асосланиб, ходимларга ноқонуний ушлаб қолинган ойлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Орузгул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Навоий вилояти

Зарар тўловлари ундирилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига фуқаролик ишлари бўйича Навбахор ва Зарафшон туманлараро судлари томонидан «Қизилкум фосфорит комплекси» МЧЖ инспектори Истам Идиев билан ўтган йилнинг 18 ноябрида ҳамда ускуналарни таъмирлаш бўйича навбатчи чилангар Анвар Сафиуллин билан шу йилнинг 8 январиди содир бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатида уларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш юзасидан бир йўла ва ойма-ой зарар тўловлари бўйича хулоса сўралган.

Иккала ҳолат жойида батафсил ўрганилиб, тегишли хулосалар тақдим этдик. Натижада

фуқаролик ишлари бўйича Навбахор ва Зарафшон туманлараро судларининг ҳал қилув қарорига асосан, жавобгар «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖдан даъвогарлар Истам Идиевга 113 580 267 сўм, Анвар Сафиуллинга эса 92 649 011,85 сўм бир йўла ва ойма-ой зарар тўловлари ундириб берилди.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Навоий вилояти кенгаши меҳнат-техника инспектори



Фарғона вилояти

Даъвогар ҳақ бўлиб чиқди

Г.Ибрагимова қарийб 13 йилдан буён Фарғона тумани мудофаа ишлари бўлимида номахфий иш юритувчи лавозимида ишлаб келади.

Раҳбариятнинг 2021 йил 15 декабрдаги 100-сонли буйруғига асосан, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 2-бандига мувофиқ, яъни ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайиқ бўлиб қолгани сабабли бекор қилинади.

Фуқаро Г.Ибрагимова ишга тикланишида ёрдам сўраб аввалига Фарғона тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилади. Бироқ марказнинг жавоб ҳатида иш берувчининг Г.Ибрагимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи тўғри расмийлаштирилгани маълум қилинади. Шундан сўнг Г.Ибрагимова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгашига мурожаат қилади.

Мурожаат Касаба уюшма мутахассислари томонидан ўрганилиб, у билан тузилган



меҳнат шартномасининг бекор қилинишида иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 101-моддаси талаблари қўпол равишда бузилгани аён бўлди.

Шунга кўра, Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига Г.Ибрагимовани ишга тиклаш, мажбурий проғул ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан фуқаро Г.Ибрагимова Фарғона тумани мудофаа ишлари бўлими номахфий иш юритувчиси лавозимига ишга қайта тикланиб, мажбурий проғул даври ҳамда маънавий зарар учун унга 23 миллион сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Фарғона вилояти
Кенгаши бош мутахассиси



Қашқадарё вилояти

Шаҳрисабз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабида фаррош бўлиб ишлайдиган Дилором Йўлдошева совуқдан ўзини ҳар қанча эҳтиёт қилмасин, барибир, касалланди. Аввалига ўтиб кетар, деб айрим дориларни ичиб юрганди, фойдаси тегишмади. Шунда қўлининг калталиги яққол сезилди.

Бошланғич ташкилотларда

У ҳаммиса кўмакка шай



Хам саломатлиги ёмонлашгани, ҳам рўзгорини тебратиш учун сармоя етишмаётгани туфайли мактаб касаба уюшма кўмитаси раиси номига ариза ёзди. Касабақўм етакчиси эса уни дарҳол Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Шаҳрисабз шаҳар кенгашига чиқарди. Кўп ўтмай Дилором Йўлдошевга маълум миқдорда пул ажратилди. Бу маблағ зарур дори-дармонларни харид қилишда асқатди.

Дилафрўз Абдуразоқова шаҳардаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Кейинги пайтларда унга ёш болалар билан ишлаш қийинлиги, асаблари чарчагани ўз таъсирини кўрсатди. Анча ҳолсизланиб, тушкунликка тушиб қолди. Охири даволашни шартлигини тан олди.

Ана шундай паллада касаба уюшма кўмитаси уни қўллаб-қувватлашга шайланиб, саломатлигини тиклаши учун моддий ёрдам пули ажратди.

Шаҳар халқ таълими бўлими диспетчери Махлиё Раҳмонова эса вояга етмаган фарзандларини даволатишга аҳд қилди. Ойлик маоши камлиги, оилавий шароити ночорлигини кўрсатиб, касаба уюшмаси номига ариза битди. Тез орада унинг илтимоси ҳам қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, шаҳар кенгаши томонидан Халқаро ноғиронлар куни муносабати билан ўрта таълим муассасаларида ишлаётган 9 нафар, болалар боғчаларида фаолият юритаётган 6 нафар ноғиронлиги бор ходимга эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Изоҳли луғатда ёзилишича, «боғот» форсча сўз бўлиб, «боғлар», «боғ-роғ» деган маъноларни англатади. Хоразм вилоятидаги ҳудди шу номдаги туман эса охириги пайтларда том маънода боғлар диёрига айланиб бормоқда. Ҳозирга келиб, ҳудуддаги ерларнинг 1000 гектари тоқзорлардан иборатдир.

Боғот узумлари чет элда ҳам машҳур

– Бу йил 20 минг тонна узум етиштирилиб, асосий қисми ички бозорга чиқарилди, – дейди Агротехнология мажмуи ходимлари Боғот тумани кенгаши раиси Бекпўлат Ёмғуров. – Узум етиштиришга ажратилган майдонларнинг 501 гектари фермерларга бириктирилган, қолгани аҳолига, яъни яққа тартибдаги хўжаликларга қарашли.

Эндиликда Боғот узумларини ҳатто хорижликлар ҳам бемалол фарқлай олишади. Чунки болдек ширин бу маҳсулот фақат шу туманда етиштирилади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, уни Россиянинг кўплаб шаҳарларида «Багатский виноград» дейишар экан.

Боғот боғларида узумнинг «Хусайни», «Туркмани», «Тойифи» ва «Ризамат» навлари парваришланади. Улардан «Тойифи» ва «Ризамат» туманни дунёга танитган навлардан. Чунки улар совуққа чидамли бўлиб, анча муддат сифати бузилмайди.

Туманда аҳоли эҳтиёжларига қараб, турли-туман бошқа мева-сабзавот ва поллиз маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Масалан,



60 гектар майдонга экилган помидор ва бодринг кишин-ёзин эл дастурхони тўкин бўлишига замин яратди.

Деҳқончиликнинг ҳадисини олган Бекпўлат аканинг ўзи ҳам ер билан тиллашишни яхши кўради. Қиш фасли бўлишига



Бухоро вилояти

Давра суҳбати

Зўравонликка қарши 16 кун



«Худудгаз Бухоро» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма кўмитаси ва бошланғич хотин-қизлар ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган «Зўравонликка қарши 16 кун» туркум тадбирлари доирасида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда мамлакатимизда қабул қилинаётган қатор меъёрий ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил тушунтириш берилди.

Вилоят газ таъминоти филиалида 800 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси бўлиб, 100 нафардан зиёди хотин-қизлардан иборат. Давра суҳбатида улар учун яратилаётган шароитлар, имкониятлар хусусида тўхталиб ўтилди. Қувонарлиси, филиал тизимида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган аёллар

моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, республикамизнинг тарихий ва туристик салоҳиятга эга масканларига бепул саёҳатлар уюштириляпти. Саломатликни мустаҳкамлаш учун спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатида мавзуга доир видеоорлик намойиш қилинди.

Ирода Жўраева,
«Худудгаз Бухоро» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси



Жараён

қарамай, айна кезларда кунда-кунора ерга ишлов бериш, уни кўклагми экишга тайёрлаш билан машғул.

– Ерга меҳр берган киши ҳеч қачон кам бўлмайди, – дейди у. – Экинларни парваришлаш менга бир олам завқ-шавқ бағишлайди. Ҳосилни йиғиштириб олиш эса қувончимга қувонч қўшади.

Бекпўлат ака айтганидек, ҳар ким ўз ишини севса, ундан завқланса, ишининг самарадорлиги ортади. Буни биргина брокколи карами мисолида ҳам кўрс бўлади. «Холмурод ўғли Мансур» фермер хўжалиги аъзолари 1 гектар ерда етиштирилган шу маҳсулотнинг ҳар килограммини 4 минг сўмга сотиб, 100 миллион сўм даромад орттиришди. Агар брокколи бозор нархида 10-15 минг сўмданга пулланса, даромад уч-тўрт бараварга кўпайиши аниқ.

Бу йил Боғотда яна бир янгиликка қўл урилди. Икки гектар ер лимонарийга айлантирилди. Синов тариқасида экилган лимон ниҳоллари 2-3 йилдан кейин ҳосил бера бошлайди.

Меҳнатдан қочмайдиган, тиниб-тинчимас, қуруқ ерни боғга айлантира оладиган боғотлик миришкорларнинг келгуси орзу-ниятлари етиштирилган ҳосилни шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш, енгил санатни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Биз сафардан қайтар эканмиз, «Эзгу ниятларингиз тезроқ ижобат топсин, азизлар!» дедик.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Меҳримиз янада ортди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши 126 нафар қишлоқ хўжалиги ходимининг Хоразмга саёҳатини уюштирди.

Мазкур тадбир инсон кадрни улуғланаётган юртимизда «Янги Ўзбекистонда эл азиз,

инсон азиз» деган бош ғоянинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, десак, янглишмаймиз. Хоразмнинг ўзига хос шеваси, ёқимли лаҳжада сўзлагувчи мезбонларнинг хушмуомалалиги бу ҳудудга бўлган меҳримизни янада оширди.

Кўрсатилган эҳтиром учун ташкилотчи-ларга миннатдорлик билдираамиз.

Фазилатхон ПАРПИЕВА,
«Исфайрам Шохимардон» каналлар бошқармаси мутахассиси

Саёҳат



